

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА –
ҲИСОБДАГИ ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИНГ
ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН БИРИ

Вахобжонов Дилмурод Дилшод ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада, профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, хоким ёрдамчиси, хотин қизлар фаоли, ёшлар масалалари бўйича етакчisi, мухтасар қилиб айтганада кенг жамаотчилик имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳамкорликда амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вояга етмаганлар.

Мамлакатимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Хаётимизнинг барча жабҳаларида ўлкан ўзгаришлар юз бермоқда. Демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуки ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатdir. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда¹.

Бизга маълумки, мустақилликка эришгач жамиятимизнинг барча соҳалари қатори ички ишлар идоралари тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга оширилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.

Жиноятчилик охирги 30-40 йилда дунё бўйича 3-4, собиқ иттифоқ давлати худудидаги республикаларда 6-8, АҚШда 7-8, Буюкбритания ва Швецияда 6-7, Францияда 5-6, Германияда 3-4, Японияда 1,5-2 баробар ўсган. БМТнинг маълумотлари бўйича дунёда жиноятчиликнинг ўсиши 5 фоизни ташкил этмоқда.

Айтиш керакки, жойларда профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, ҳоким ёрдамчиси, хотин қизлар фаоли, ёшлар масалалари бўйича етакчиси ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари, мухтасар қилиб айтганада кенг жамаотчилик имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда жиноятларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишларни ташкил этмоқдалар. Бу масала юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизмат қилишликни белгилаб берилди².

Хозирги кунда профилактика инспектори юксак професионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш - ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркорлигини ва ана шундагина ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин» деб таъкидлаб ўтганлиги алоҳида эътиборга сазавордир³.

Ички ишлар органлари Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг умумий тартибдаги тури ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти, усул ва шакллари, унинг жиноятларнинг олдини олишдаги аҳамияти жамиятда катта ўрин тутади.

Маълумки, жамиятда учрайдиган ғайриижтимоий ҳатти-харакатлар, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят қандай сабаб шароитда содир этилмасин, албатта айбдор шахс, яъни ҳуқуқбузар ёки жиноятчи томонидан содир этилади.

Профилактика инспекторларининг ана шундай тоифадаги тарбиявий таъсир чораларига муҳтож бўлган шахслар билан якка тартибда профилактик ишларни ташкил этиш фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

² Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил професионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорлиқда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 10-сонли Қарори

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т. 2010. –Б. 15.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 28-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари батафсил белгилаб берилган.

Якка тартибдаги профилактика – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охирги даражасигача этишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қиласди⁴.

Якка тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг хулқ-авторини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси - бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-авторли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-авторидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикаси обьектларини қўйидагилар ташкил этади:

- 1) ғайриижтимоий хулқ-авторга эга шахслар;
- 2) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- 3) ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- 4) ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахслар;
- 5) ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар;
- 6) ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вояга етмаганлар.

Шахснинг ғайриижтимоий хулқ-авторга эгалиги қўйидагиларда намоён бўлади:

а) шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-автор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи: қонуний никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшаш, кўп қаватли

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун// URL: <http://www.lex.uz>.

уйларда яшаб, баланд овозда мусиқа оҳангларини эшитиб, қўшниларнинг тинчини бузиш ёки шундай оқибатни келтириб чиқарувчи бошқа машғулотлар билан шуғулланиш, оиласда низоли ва жанжалли вазиятларни юзага келтириш, гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш кабиларда;

б) шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-автор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатлари: жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда юриш, жамоат жойида юрганда ёки ўтирганда писта чақиб ёхуд жамоатчилик фойдаланадиган йўл ва йўлакларни туфлаб (нос) ифлослантириш, гап ташиш, ғийбат қилиш, кишиларни уруштириб қўйиш каби ҳаракатларида;

в) шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-автор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатсизлиги: асосли сабаб бўлмасдан жамоат транспортларида қарияларга, ногиронларга ёки ҳомиладор аёлларга жой бермаслик ёки маҳаллада уюштириладиган оммавий ҳашарларда иштирок этмаслик сингари ҳаракатсизликларда ифодаланади.

Кўйидагилар ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил шахслар сифатида эътироф этилиши мумкин:

а) тажовузкор руҳий касаллар;

б) ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганлар (хулқ-автори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга мухтоҷ эмас деб топилиб, мазкур муассасаларда бўлиши юзасидан суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин чиқарилган шахслар бундан мустасно);

в) ҳеч қаерда ишламайдиган, иш ёқмас, текинтомоқ фуқаролар;

г) мустақил фикрга эга бўлмаган, бирорларга кўр-кўrona эргашиб кетадиган ва диний фундаменталистик ғояларга берилувчан шахслар;

д) олиб борилаётган давлат сиёсатига нисбатан асоссиз қарши фикр билдирувчилар;

е) ўзига нисбатан қамокқа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчилар;

ё) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят иши тутатилганлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлар ҳуқуқбузарлик содир этмаган ёки содир этган бўлса-да, ҳуқуқбузарлик тариқасида ҳуқуқий баҳо берилмаган ёхуд содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича айборлиги исботланмаган, аммо ўзининг ғайриижтимоий хулқ-автори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахслар сифатида эътироф этиладилар.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар – маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этганлик бўйича иш юритувнинг муайян бир босқичида айбдор деб топилиб,

хуқуқбузарликка оид иш тутатилган, шунингдек шу каби қилмиш учун жавобгарликка тортилиб, жазоланган шахслар.

Хуқуқбузарликлардан жабрланиши эҳтимоли (виктимилиги) юқори бўлган шахсларга – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар), ишонувчилар, беэътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар кабиларни киритиш мумкин.

Хуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар – бу жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганини оқибатида хуқуқбузарликдан жабрланган шахслардир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоидалар бевосита хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда ҳам бирламчи хуқуқий асос сифатида тан олинади. Хусусан, Конституцияда белгиланган «Ҳеч ким қийноқقا солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикقا дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас» (26-модда), «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва туаржойи даҳлсизлиги хуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бироннинг туаржойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас» (27-модда), «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика худудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш хуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир» (28-модда), «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг хуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим» (29-модда), «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-модда) каби мазмундаги қоидалар шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорлигининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш бу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қиласиданди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисга мурожаатномаси.
2. Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 10-сонли Қарори.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т. 2010. –Б. 15.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун// URL: <http://www.lex.uz>.